Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**26 февраль**
ЧОРШАНБА
**№ 17** (12653)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## 2014 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшаши, унинг қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб ҳамда Наврўз байрамини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита ва унинг ҳудудий бўлимлари Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **"Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!"** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қутбарака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналарига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ислом КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 24 февраль.

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXXIII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXXIII сессияси 2014 йил 28 февраль куни соат 10.00 да вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими** **А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 февраль.

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.**

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, "Соғлом она – соғлом бола" дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

Тадбиркорлик

## ТИКУВЧИЛАРНИНГ БАРИ МАҲАЛЛАДАН



**Мамлакатимизда яратилган қулай муҳит кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга кўмаклашяпти. Зангиота тумани "Қорасарой" маҳалласида иш бошлаган "FAVOURITE-TEXTILE GROUP" тикувчилик корхонаси ҳам шу имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.**

Муқим иш жойига эга бўлиш, корхона уйларига яқинлиги, айниқса, ишчиларга меҳнат дафтарчаси юритилаётгани айни муддао бўлди. Аёлларимиз учун қулай имкониятлар яратган ушбу тикувчилик корхонаси тадбиркор Отабек Мадалиев саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилди. Банкдан олинган кредит ҳисобига Япониядан 40 та замонавий тикув машинаси келтирилди.

– Йил бошида ишга тушган корхонамизда 50 нафар маҳалла хотин-қизлари меҳнат қилишмоқда, – дейди О. Мадалиев. – Айни кунларда болалар футболкаси тикаяпмиз. Бир кунда ўртача бир ярим мингта маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бу ерда иш узлуксиз асосда ташкил этилган. Айниқса, "устоз-шогирд" анъанаси жуда қўл келяпти. Илгари тикиш-бичиш билан шуғулланган аёллар, ҳунарга ҳавасманд қизлар моҳоратли тикувчилардан билмаганларини ўрганишяпти.

– Аввал ҳам тикувчилик фабрикасида ишлаганман. Кейинчалик оила ташвишлари, ишхонамнинг узоқлиги сабаб бўлиб, ишлай олмадим. Бугун шундоққина уйимга яқин корхонада севган касбимни давом эттираётганимдан хурсандман, – дейди чевар Умида Маҳмудова.

Маъмура Исматова ҳам ўз ишидан, бепул тушлик берилиши ва уйлари узоқроқ ишчилар учун транспорт ажратилганидан мамнун.

**СУРАТДА:** корхона иш юритувчиси Лола Турдиева (ўнгда) шогирди тиккан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

**Комил САЪДУЛЛО олган сурат.**

Семинар

**Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йил – Соғлом бола йили учун алоҳида дастур ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият юритмоқда.**

## ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ КЕНГАЙЯПТИ

Шунингдек, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бирлашмаси, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасига мувофиқ иш олиб бормоқда. Йилнинг ўтган даврида жойларда ўндан зиёд ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этиб, аҳолининг ҳуқуқий ҳамда истеъмол билими ва маданиятини юксалтиришга амалий ёрдам бермоқда.

Вилоят ҳудудий бирлашмаси Чирчиқ шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорлигида "МАХАМ CHIRCHIQ" очиқ акциядорлик жамиятида "Истеъмолчилар ҳуқуқи қонун ҳимоясида" мавзуида ташкил этган навбатдаги семинар Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланди.

Сўзга чиққанлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳамиша устувор эканлиги, шу боис улардан тушаётган ёзма, оғзаки ва ишонч телефонлари орқали мурожаатларга алоҳида эътибор қаратилиб, вақтида ижобий ҳал этилиши зарурлигини таъкидладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ИҚТИСОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР МАЛАЙЗИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўз акс-садосини бермоқда. Қуйида уларнинг айримлари ушбу маъруза юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола қилинади.**

**Дато Редзуан Кушайри, Халқаро сиёсат тадқиқот маркази директорининг ўринбосари:**

– Президент Ислом Каримовнинг мазкур маърузасида ўзбек иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари чуқур таҳлил этилган. Тараққиётнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётгани Ўзбекистон томонидан мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш ҳамда модернизациялаш, унинг тизимларини диверсификациялаш юзасидан вазмин, ҳар томонлама ва пухта ўйланган, узоқ муддатли истиқболни кўзлаган сиёсат олиб борилаётгани натижасидир.

Хорижий сармоялар учун қулай шароитлар яратилгани, ички бозор ҳимояси, миллий иқтисодиёт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ жойларда инфратузилма ривожланаётгани, энергия манбаларидан самарали фойдаланилаётгани иқтисодиёт барқарор тараққиётини таъминлашга кўмаклашаётган омиллар сирасига киради.

Мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланаётгани ҳамда мустаҳкамланиб бораётгани, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги Ўзбекистоннинг энг катта муваффақияти ҳисобланадики, бу ҳам 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муваффақият билан амалга оширилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишига шубҳа йўқ.

**Джозеф Адайкалам, Binary Менежмент ва тадбиркорлик университетининг ижрочи раиси:**

– Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилгани натижасида макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Иқтисодиёт тизимларини тубдан ўзгартириш бўйича узоқ муддатли вазифалар ҳал этилиши, модернизациялаш ҳамда диверсификациялашнинг ижобий ўзгаришлари таъминланмоқда.

Янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишининг таъминлангани бу йўналишдаги энг муҳим муваффақиятлардан бири ҳисобланади.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар кишида алоҳида таассурот қолдиради. Ўқитиш даражаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган таълим меъёрлари ва дастурларининг такомиллаштирилгани, янги мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларининг барпо этилгани ҳамда уларнинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамлангани катта эътиборга сазовордир.

2014 йил Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани аҳолининг турмуш кечириш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу ўсиб келаётган авлод учун, унинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ривожланиши учун кўрсатилаётган ғамхўрлик тасдиғидир.

**Тан Сри Хью Сунг, Малайзия Уюшган хитой савдо-саноат палатаси ижрочи котиби:**

– Ўзбекистоннинг сўнгги йиллар давомидаги иқтисодий тараққиёти натижалари энг юксак баҳога муносибдир. Саноатни модернизациялашга ҳамда ишлаб чиқаришга юқори технологияларни қўллашга йўналтирилган чора-тадбирлар хорижлик сармоядорларни мамлакат ҳудудидаги лойиҳалар учун маблағ киритишга рағбатлантираётган бош омил ҳисобланади.

Малайзия Уюшган хитой савдо-саноат палатаси қўшма сармоявий лойиҳалар имкониятларини муҳокама қилиш ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан шериклик муносабатларини ўрнатиш мақсадида Ўзбекистонга Малайзиянинг қатор компаниялари вакилларидан иборат делегацияни юборишни мўлжалламоқда.

**"Жаҳон" АА.**
**Куала-Лумпур.**

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлиғини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутади, бу масала ҳануз долзарблигича қолмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс эттан.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа Қонунлар шулар жумласидандир.

"Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилади. Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасидир. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

"Баркамол авлод" болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4-синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

"Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, "Она юрт наволари" халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, "Энг ёш ихтирочи" танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиали иловали дарсликлар бепул берилади.

Ёзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика қўғирчоқ театри ва "Томоша" болалар мусиқали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги қишки кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда "Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба" мавзусида халқаро форум ўтказилади.

Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

**ЎзА.**

Қишлоқ мулкдорлари

## САНАМАЙ САККИЗ ДЕЙИШНИ ИСТАМАГАНЛАР

**Бу – Қибрайнинг чоғроқ фермер хўжаликларидан. Ташкил этилганига ҳам ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қолаверса, боғдорчиликка ихтисослашаяпти, десак муболаға бўлмайди. Боғдорчилик шундай тармоқки, бугун экканингизни эртага ўравермайсиз. Мевасини уч-тўрт йил кутишга тўғри келади.**



– Аммо, бу "олма пиш, оғзимга туш" деб ўтирибмиз дегани эмас, – дейди хўжалик иш юритувчиси Шуҳрат Обидов. – Бошқа тармоқларни юргизиб турибмиз. Уч гектарга "Ёнбош" навли буғдойнинг "Супер элита" уруғини сепган эдик. Нормадаги ўғитларни тўлиқ бериб, вақтида суғорганимиз учун авжи яхши. Икки гектарни сабзавот экинларига ажратганмиз. Бу йил ярим гектар майдонга помидор экмоқчимиз. Кўчатни ўзимиз етиштирдик. Кунлар илиб кетиши билан экишни бошлаймиз. Бир гектар ерга карам ва бақлажон экишни режа қилдик. Яна ярим гектарда булғор қалампири етиштирмоқчимиз.

Юқорида айтганимиздек, "Холдор Обидов"нинг ери бор-йўғи 10 гектар. Шундан ярми ёш боғ. 450 туп "Супер элита" ва 100 туп "Испалин" нав олхўри, 100 туп "Буқакўз" нав гилос. 500 туп "Супер голден", "Семеринка", "Жоноқи", "Бешюлдуз" навли ёш олмалар ҳам дуркун ривожланди.

– Ўтган мавсумда бошламасига 5-6 тонна олхўри, яна бошқа мевалардан бир тоннача нишона ҳосил олдик, – дейди Обидовлардан яна бири Шавкат. – Бир қисмини деҳқон бозорларида сотиб, зарур сарф-харажатларга ишлатдик. Қолганини оила ва хўжалигимизнинг бошқа аъзолари билан баҳам кўрдик.

Дарвоқе, Обидовлар билан суҳбат чоғида бир нарсани фаҳмладик. Улар "санамай саккиз дейиш"ни исташмаяпти. Аммо, келажакда "Холдор Обидов" экин майдонларини кенгайтириб, йирик ва кўп тармоқли хўжаликка айланса ажаб эмас.

**СУРАТДА:** (чапдан) Шуҳрат ва Шавкат Обидовлар мевали дарахтларга ишлов беришяпти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ТЕХНИКАСИ СОЗНИНГ ХАРАЖАТИ ОЗ

**Ҳадемай баҳорги экин-текин ишлари бошланади. Албатта, қишлоқ хўжалик техникаларидан тўғри фойдаланган, айниқса, ёқилғи-мойлаш ашёлари сарфини камайтиришга эришган фермерларнинг харажатлари кескин камаяди. Бунинг учун барча техникалар соз бўлиши, агротехник жараёнларда панд бермаслиги лозим.**

"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими "Кучлик нефть базаси", "Пахта нефть базаси" унитар корхоналарига қарашли ёқилғи тарқатиш шохобчалари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, технологик жиҳатдан тўғри тасарруф этиш ва тежаш мавзуида мунтазам семинарлар ташкил этмоқда. Кузги шудгор якунига бағишланган семинарда шу ҳақда фикр юритилиб, қилинган ишлар муҳокама этилди. Жумладан, 2013 йил давомида вилоят фермерларига ғалла мавсумида 15 миллион 227,7 минг тонна, пахта мавсумида эса 12 миллион 983,3 минг тонна дизель ёқилғиси етказиб берилди. Аслида эса ғаллага 15 миллион 660,2 минг, пахтага эса 13 миллион 937,5 минг тонна ёқилғи ажратилган эди.

Кўриниб турибдики, бу кўрсаткичлар ер майдонига нисбатан етказиб берилиши лозим бўлган ёқилғидан анча кам. Сабаби, фермер ва деҳқонлар техникаларининг соз бўлиши сарф-харажатнинг кескин камайишига олиб келишини тушуниб етишмоқда. Шунинг учун техникаларни ўз вақтида таъмирлаб, шай ҳолда сақлашмоқда.

Таҳлилларга кўра, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигида механизациялашган ишлар кўпайиб бораётгани сабабли энергетика воситаларига талаб янада ошмоқда. Агар йиллик сарфланаётган ёқилғи-мойлаш ашёларининг бир фоизи иқтисод қилинса, республика миқёсида тонналаб ёқилғи ва миллион сўмлаб маблағ тежалади.



Ёқилғиларни идишларда сақлашда ҳам йўқотишлар юз беради. Масалан, бир йилда 70 дан 140 килограммгача ёқилғи йўқотилади. Шунинг учун уларни тўлатилмаган идишларда сақлаш ман этилади. Бир идишни тўлиқ ишлатиб бўлиб, сўнгра иккинчи идишдаги ёқилғини сарфлашга ўтиш мақсадга мувофиқ. Ёқилғи маҳсулотлари буғланганда, таркибидаги енгил ўт олдириш фракциялари ҳам учиб кетади ва бензиннинг детонацияга турғунлиги пасаяди. Двигателни ўт олдириш қийинлашади ва деталларнинг емирилишига сабаб бўлади. Бундай ёқилғи двигателларни 100 фоиз ишлатиш имкониятини карбюраторларда 83 фоизга, дизель форсункаларида эса 58 фоизгача тушириб юборади.

Тракторларга далаларда ёқилғи қуйиш чоғида носоз қурилмалардан фойдаланилса, ёқилғи 1,2 фоизгача исроф бўлади. Агар челак ёки очиқ мосламалар билан қуйилса, йўқотиш 3,4 фоизга етади. Умуман, трактор ва автомобилларда уқувсизлик натижасида 10 фоиздан кўпроқ ёқилғи-мойлаш ашёари йўқотилади. Бу эса республика миқёсида жуда катта иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлади.

Кўп ҳолларда ёқилғи сарфининг кўпайиб кетишига носоз агрегат ва мослама ёки ростланмаган ускуналардан фойдаланиш ҳам сабаб бўлади. Далаларда ишлатилаётган ускуналарнинг ўтмаслашиши оқибатида ёқилғи сарфи 30 фоизгача ортади. Агар плуг тракторга нотўғри тақилса, бунинг устига қирқиш қирралари қалинлиги 5 мм. атрофида бўлса, ёқилғи сарфи 40-50 фоизгача кўпайиб кетади. Ишлов тракторлари йил бўйи тўлиқ ишламаса (қувватининг 65-75 фоизи), ёқилғи сарфи 10 фоиз ортади.

Семинардаги таҳлиллардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, далаларда ишлатилаётган техникалар доимо соз бўлиши ва техник талаблар даражасида ишлатилиши зарур. Акс ҳолда фермер ва деҳқонлар ёқилғини исроф қилишлари натижасида ўзлари ва ўзгаларга ҳам иқтисодий зарар келтирадилар.

**Жамол САЛИМОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими етакчи мутахассиси.**



## АҲИЛ ОИЛАНИНГ МЕВАСИ

**Эътироф этиш керакки, ҳеч бир жамият эрта турмуш қуриш ва эрта туғуруқларни ёқламайди. Айниқса, балоғатга етиб-етмай, бунинг устига ноқонуний йўл билан она бўлиш ҳар қандай миллат учун номуносиб ҳолатдир. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди, адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган семинарда ушбу мулоҳазалар қайд этилди.**

"Соғлом бола – соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир" мавзуида ташкиллаштирилган семинарда тегишли идора ва муассасалар вакиллари, ФҲДЁ мудирлари, психолог ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маҳаллаларда маънавий муҳитни барқарорлаштириш, эрта турмуш ва эрта туғуруқнинг олдини олиш, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокамасига бағишланган семинарда аҳил оилалар ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган муҳим омил экани, соғлом, маърифатли, ватанпарвар ёшлар аввало оилада тарбияланиши таъкидланди.

Шунингдек, маросимда "Фуқаролик судларида никоҳни бекор қилиш борасида 2013 йил давомида кўрилган ишлар таҳлили ҳамда 2014 йилда фуқаролик судлари олдига қўйилган ҳамкорликдаги вазифалар", "Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида маънавий муҳитни соғломлаштиришда психологларнинг ўрни", "Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ва ҳамкорлик режалари" мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**Азамат АҲМЕДОВ (сурат),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

## «БИР ОЙНА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

**Бекобод шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси тадбиркор ва барча фуқароларга "Бир ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.**

Корхонага мурожаат қилувчилар учун барча шароитлар яратилиб, ортиқча оворагарчиликларга ҳожат қолмаяпти. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, бино ва иншоотларга бўлган эгалик ҳуқуқлари замонавий услубда тез ва ортиқча харажатларсиз расмийлаштириб берилмоқда.

Ушбу қулайлик юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётганининг амалдаги ифодасидир.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

ЭЪЛОНЛАР

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН

## «Очиқ эшиклар куни»

**ўтказмоқда.**

*Ҳафтанинг ҳар жума куни вилоят иқтисодиёт Бош бошқармасида, пайшанба куни эса шаҳар ва туман ҳокимликларининг иқтисодиёт бўлимларида "Очиқ эшиклар куни" доирасида учрашувлар ўтказилади. Тадбиркорлик фаолиятингизда учраётган муаммо ва юзага келаётган тўсиқлар бўйича таклиф, режа ва саволларингиз билан мурожаат қилишингиз мумкин. Учрашувларда соҳа мутасаддилари иштирок этиб, муаммоларингиз ечим топишига амалий кўмак ва кераклий йўл-йўриқлар беришади.*

*Шунингдек, ўзингизни қизиқтирган саволларга*

**вилоят иқтисодиёт Бош бошқармасининг**

## 233-60-11

**рақамли ишонч телефонига**

*қўнғироқ қилиб ҳам жавоб олишингиз мумкин.*

---

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2014 йил 20 январдан 2014 йил 20 февралгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 30.01.2014 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чирчиқ кўчаси, 28-уй | 47 288 278 | 50 300 000 |
| 17.02.2014 | Яккасарой тумани СИБ томонидан | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 67/8-уй, 15-хонадон | 200 000 000 | 212 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юбнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

---

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2010 йилда № 688 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AYOLLAR KENGASHI" (ИНН 207089400) Республика жамоат бирлашмаси Тошкент вилояти филиали **ТУГАТИЛАДИ** ("AYOLLAR KENGASHI" Республика жамоат бирлашмасининг 2014 йил 17 февралдаги баёнига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида (+99893) 377-36-38 телефон рақами орқали қабул қилинади.

---

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, ЖИБ Учтепа тумани судининг 05.10.2012 йилдаги ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 3 739 627 452 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сегизбоева кўчаси, 1-уйда жойлашган, "Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш" жамоа корхонасига тегишли бўлган, умумий ер майдони 17863 кв.м. ва бинонинг умумий майдони 13700 кв.м. иборат 5 та бино ва 3 та иншоотлар, шундан маъмурий ва маиший бино, устахона биноси, омборхона биноси ва коровулхона бинолари қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 28 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги №403/13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой қ.ф.й.да жойлашган "MAVLONBEK ALIBEK" МЧЖга қарашли ер участкасининг майдони 5,74 га.дан иборат Литер 0001 дан Литер 0026 гача булган ферма бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошлангич нархи - 833 531 140 сўм.

Такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 14 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

---

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: 2013 йил 5 сентябрдаги 11539-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Интизор кўчаси манзилида жойлашган: умумий ер майдони 300,0 кв.м. бўлган ошхона ва чойхона бинолари савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 27 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 0110, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

---

**"SPARETRA" МЧЖда 2014 йил 20 январдан 2014 йил 20 февралгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 21.01.2014 | Ҳамза тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Nissan Teana" д.р. 01 161 QAA | 60 000 000 | 63600 000 |
| 24.01.2014 | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2009 й. "Эпика", д.р. 01 393 SAA | 40 820 719,50 | 42 400 000 |
| 28.01.2014 | Зангиота тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Эпика" д.р. 10 757 KAA | 52 072 327 | 54 500 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 N 345 BA | 17 364 030 | 18 240 000 |
| | | 2012 й. и.ч. "Спарк" д.р. 01 E 763 LAA | 29 760 000 | 31 150 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 U 767 BA | 20 056 000 | 21 030 000 |
| | Ўрта Чирчиқ тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия Сонс" д.р. 01 W 908 DA | 22 083 000 | 23 300 000 |
| | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 1998 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 Z 891 DA | 15 000 000 | 16 080 000 |
| 06.02.2014 | Зангиота тумани СИБ | 1986 й. и/ч. Камаз-5511, д/р. 10 Z 037 AA | 6 859 310 | 7 350 000 |
| | Чилонзор тумани СИБ | 2006 й. и/ч. IVEKO, д/р. 30 R 1924 | 80 340 312,64 | 84 000 000 |
| | | 2006 й. и/ч. HATSAN, д/р. 31 R 2316 | 42 311 896,67 | 44 200 000 |
| | | 2012 й. и/ч. Матиз, д/р. 01 F 401 OA | 20 608 060,50 | 22 600 000 |
| 14.02.2014 | Паркент тумани СИБ | 1978 й. и/ч. Газ 5204, д/р. 10 A 786 BA | 1 252 330,91 | 1 405 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1998 й. и/ч. "Газ-3110", д/р. 20 K 581 AA | 7 186 253,40 | 7 800 000 |
| | Бўстонлиқ тумани СИБ | 1989 й. и/ч. "Газ-2417", д/р. 11 M 0152 | 637 048 | 700 000 |
| 20.02.2014 | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 S 644 EA | 19 152 000 | 20 100 000 |
| | | 1999 й. и.ч. "BMW 3161" д.р. 01 Z 091 CA | 27 632 745 | 28 910 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Ласетти 1,8 GM UZ" д.р. 10 095 OAA | 39 210 828 | 41 200 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 014 KAA | 34 596 181 | 36 400 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 016 KAA | 34 671 721 | 36 500 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 021 KAA | 33 939 387 | 35 650 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 095 DAA | 34 682 853 | 36 500 000 |
| | | 2007 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 024 KAA | 34 580 781 | 36 400 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Isuzu Saz NQR 71 PL" д.р. 10 749 LAA | 45 112 835 | 47 400 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

---

# Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Қуйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта эълон қилинади:

| Объект номи | Юридик манзили | Балансда сақловчининг номи | Объект тавсифи | Бошланғич нархи (сўмда) | Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси | Инвестиция ва бошқа мажбуриятларининг энг кам ҳажми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ***Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-120-сонли қарорига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар*** | | | | | | |
| Эски шийпон биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФХУ ҳудуди | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,20 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м. | 22 284 000,0 | Маъмурий бошқарув | – |
| Собиқ 10-сонли умум ўрта таълим мактаб биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,42 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м. | 69 339 200,0 | Маъмурий бошқарув | – |
| Собиқ 3-сонли умум ўрта таълим мактаб биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчаси | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,32 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м. | 81 826 400,0 | Маъмурий бошқарув | – |
| ***Вазирлар Махкамасининг ВМ-154-сонли қарорига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар*** | | | | | | |
| Собиқ болалар боғчаси бино ва иншоотлари | Юқори Чирчиқ тумани, "Арганчи" ҚФЙ, Ободон маҳалласи | Юқори Чирчиқ туман ҳокимлиги | Ер майдони 0,646 га. биноларнинг қурилиш ости майдони 927,95 кв.м. | 721 687 500,0 | Маъмурий бошқарув | – |
| 27-сонли болалар боғчаси биноси | Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Янгиобод маҳалласи | Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги | Ер майдони 0,81 га, биноларнинг қурилиш ости майдони 1862,73 кв.м. | 458 016 000,0 | Маъмурий бошқарув | – |
| ***Вазирлар Махкамасининг ВМ-256-сонли ҳамда ВМ-207-сонли-сонли қарорларига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар*** | | | | | | |
| Гараж, устахона ва омборхона бинолари | Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанги қишлоғи | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Қуёш қўрғони | Ер майдони 1,57 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 988,49 кв.м. | 182 735 200,0 | Илмий изланишлар олиб бориш | 102 500,0 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш |

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, СТИР 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР 201122919, МФО 00014.

Оммавий офертада қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва 2014 йил 25 март куни соат 11.00 да тамом бўлади.

Талабгорнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 25 март куни соат 15.00 да Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида очилади.

Оммавий офертада қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда оммавий офертада буюртмаНомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий офертада қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– Оммавий оферта шартларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

– агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-27-29.

E-mail: toshvilraqobat@inbox.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (8-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

***Савдоларга марҳамат қилинг!***

---



## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 26 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Қор кўчиши хавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 25.10.2011 йилда № 006307-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ILOOMINA MEDIA" (ИНН 302125941) МЧЖнинг устав жамғармаси 40 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "SAFAX-MARJON" (ОКПО 20296209), сообщает об уменьшении уставного фонда с 228 562 500 сум до 58 467 479,04 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Навои, дом 1.

"HAFTRANG" МЧЖнинг устав жамғармаси 29 613 667 сўмдан 20 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "VELES-TECHNOLOGY" (ИНН 301271747), зарегистрированное ИРСП Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: 1-й тупик Инокобод, дом 1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 2 от 21.02.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 955-41-77.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети) томонидан 1981 йилда Жуматаев Рахимжон Султанович номига берилган Г-II № 332730 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети томонидан 2010 йилда Якубов Фарход Ҳасанович номига берилган в № 480784 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети томонидан Ерлепесов Отабек Муратбаевич номига берилган № 2332 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 05.04.2011 йилда № 005931-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ART-PRODUCTION-TRADE" (ИНН 301935378) МЧЖнинг мулкчилик шакли "ART-PRODUCTION-TRADE" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 23.07.2013 йилда № 009038-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FRAME-PRODUCTION" (ИНН 302667860) МЧЖнинг мулкчилик шакли "FRAME-PRODUCTION" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Чиноз туманидаги 28-умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Жўраева Дилафрўз Элмурод қизига берилган U № 0100018 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2006 йилда Жовлиев Элбек Абдураупович номига берилган К № 190429 рақамли (рўйхат рақами № 66) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.01.2014 йилдаги ҳал қилувчи қарорларига асосан Бектемир туманида рўйхатга олинган "DIAMOND CINEMA" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22848(21)-т, "FORTUNA-VIKTOR" ХК-15.01.2014 й. 10-1306/22849(21)-т, "MELIO SERVICE PLUS" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22850(21)-т, "SHON-SHUXRAT FILM" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22851(21)-т, "ABLAZ-DO'ST" ХФ-15.01.2014 й. 10-1306/22852(21)-т, "VODNIK TRANS" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22854(21)-т, "RELIABLE PARTNER" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22856(21)-т, "XONOBOD SOHIL SERVIS" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22857(21)-т, "STRONG TOWER" МЧЖ-15.01.2014 й. 10-1306/22859(21)-т **ТУГАТИЛАДИ**. Юқорида қайд этилган корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 2-уйда ҳамда 295-02-80 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 21.11.2008 йилда № 000665-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NOZIM FERUZ" (ИНН 300989003, ОКПО 22532401) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 918-23-24 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 08.05.2013 йилда № 001317-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "LYUBIMIY TASHKENT" (ИНН 302602934, ОКПО 24055454) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 939-63-41 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный кадастр земельного участка за № 10:11:01:01:01:0318, расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, проспект А. Темура, дом 39, выданный Управлением по земельным ресурсам и Государственного кадастра г. Ташкента на СП ООО "FEDOROVICH KLINIKASI", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТАЛЬНЫМ.**

ООО "KATANA NETWORKS" (ИНН 206380904), сообщает о реорганизации в частное предприятие "KATANA NETWORKS". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. А. Фитрата, дом 94.

---

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 13 августдаги № 8635-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси, 26-уй манзили бўйича жойлашган: яшаш майдони 25,1 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 57,2 кв.м. бўлган 20-хонадон савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 24 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 17 март куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мирoбод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

---

# 2014 йилнинг 24 февралидан 28 мартигача кичик қурилиш ташкилотлар ва микрофирмаларда статистик кузатув ўтказилади

"Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 11-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 351-сонли Қарори билан тасдиқланган 2014 йил учун Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига биноан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 17 октябрдаги 292-сон йиғилиш баёнида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан, жорий йилда қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар ва микрофирмаларда қурилиш машина ва механизмлари мавжудлиги тўғрисида статистик кузатувни ўтказиш вазифаси топширилган.

Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда қурилиш машина ва механизмларнинг мавжудлиги тўғрисида статистик кузатувнинг мақсади, кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларнинг моддий-техник базасини таҳлил қилиш учун зарур бўлган, шунингдек, қурилиш пудрат ташкилотларининг ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун муҳим бўлган маълумотларни шакллантиришдан иборат.

Кузатувнинг асосий вазифаси кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда қурилиш машина ва механизмларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда унинг асосида маълумотлар базасини яратишдан иборат.

Кузатув 2014 йилнинг 24 февралидан 28 мартигача давлат статистика органлари ҳамда давлат архитектура ва қурилиш органлари билан ҳамкорликда республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарларида кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларни бирмабир айланиб чиқиш ҳамда ташкилотнинг масъул шахслари (раҳбари ёки бош ҳисобчиси) билан белгиланган 1-QM ва 2-QM кузатув сўровномаларини тўлдириш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, олинган маълумотларнинг махфийлигини ҳамда кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларнинг фаолият кўрсатиш шароитлари таҳлил қилиш учун ушбу маълумотлардан фақат умумлаштирилган кўринишда фойдаланилишини маълум қиламиз.

***Тошкент вилояти статистика бошқармаси.***

## Маънавият

# СИЙРАТ – ИНСОН АҚЛ-ЗАКОВАТИ КЎЗГУСИ

Дадам вафот этган кунлар эди. Қишки имтиҳонларни топшириш учун ноилож ўқишга бордим. Курсдошларим, дугоналарим мени ёлғиз қолдирмади, дардимга малҳам бўлишди.

Ўша ғамнок кунларимда курс иши топшириш учун домлага учрашдим.

– Фалончиева, нега доим хўмрайиб юрасан, қиз болага жилмайиб юриш ярашади. Менга шўх-шаддод қизлар ёқади, қани, бир жилмайгин-чи, – деди. Ичимни кемираётган аламни аранг енгиб:

– Домла, менга баҳо қўйиб беринг, мана ишим, – дедим.

– Хўмрайишинг ёқмаяпти менга. Ё бирор жойинг оғрияптими, а? Нега мени кўрсанг доим хўмраясан? – деди домла кўзларини менга қадаб.

– Тобим йўқ, – дея жавоб бердим. Шунда ёши бир жойга бориб қолган домла:

– Менинг ортимдан қизлар югуриб юришади-ю, сен бўлсанг нозланасан, – деди ёшига ярашмаган тарзда. Чидаб туролмадим:

– Менга бундай муомала қилманг, устимдан кулишни бас қилинг, мен талабангизман, – дедим.

– Қачон кайфиятинг яхши бўлса, ўшанда келасан, – домла иккинчи қаватга кўтарилар экан, истеҳзоли илжайди.

Бу манзарага чидаб туролмаган дугонам домланинг орқасидан чопиб кетди. Унинг домлага нима деганини билмайман, аммо бир пайт домла олдимга келиб: "Фалончиева, менга сенинг иззатталаблигинг ёқмайди. Нега бошингга иш тушганини айтмайсан?" деди-да, қўлимдаги рейтинг дафтаримни юлқиб олиб, баҳо қўйиб берди. Мен ҳам қўлимдаги рефератни унга қараб улоқтирдим.

Ўша домла ўқишни тугатгунимча, менга истеҳзоли гаплар қилиб юрди. Ҳатто диплом ҳимоям куни мавзуга оид бўлмаган саволлар билан панд беришга интилди. Отам тенги домла билан олишгим келмади, унинг табиати барчага маълум. Ўзи айтганидек, у "гўзаллик шайдоси"... Чиройли қизларга чиройли баҳолар қўйишни хуш кўради.

Шу домлага ўхшаш қиёфани ишга кирганимда ҳам кўрдим. Бу сафар одамларнинг қиёфаси, хушомадига қараб муомала қиладиган аёл бизга раҳбар эди. Ундан барча нафратланар, аммо лаганбардор кимсаларга раҳбарнинг енгил табиати қўл келарди. Оқибатда қобилиятли ходимлар бир ёқда қолиб, ношуд ва чаласаводларнинг "куни туққан", улар қилмаган ишларига ҳатто моддий рағбат олардилар.

Раҳбаримиз лаёқатли ходимлардан қўрқарди. Чунки улар олдида саводсизлиги фош бўлиб қолиши мумкин эди-да! Шу боис ҳақиқий мутахассисларга ҳасад билан қарарди.

Хайриятки, эски чориғини унутган бу аёлнинг "ҳукмронлиги" узоққа бормади. Салоҳиятсизлиги, ўз ишига лаёқатсизлиги юқоридагиларга маълум бўлгач, уни ишдан четлатишди...

Инсон ташқи қиёфаси, яъни шаклу шамойили учун эмас, балки маънавий етуклиги билан қадрланади. Бирор одамга баҳо беришда, унинг сурати эмас, сийрати бош мезон бўлади. Сийрат – инсоннинг кўзга кўринмас ички руҳий оламини, қалби ва ақл-заковатини акс эттиришини, афсуски, айрим маълумотли кимсалар ҳам фаромуш қиладилар.

Ёзувчи Ў. Ҳошимов (охиратлари обод бўлсин) ёзганидек: "Дарахтнинг мева тугишига шай турган қанчадан-қанча гулларини совуқ шамол учириб кетгани каби умримнинг қанчадан-қанча онлари ҳасадгўйлар етказган жароҳатлардан оғриниш, шу мунофиқлар бошлаган фитналардан изтироб чекиш билан бесамар ўтганига ўкинаман". Севимли адибимиз ҳақ. Қанчадан-қанча ўз касбининг усталари ўртамиёна ва "оралиқдаги одамлар" касофати билан изтиробда қоладилар.

Лекин мен аминманки, истеъдод ҳеч қачон ўлмайди. Тўғри, истеъдодли инсон турли тўсиқларга дуч келиши мумкин, лекин билими ва иродаси билан барибир кун келиб, албатта, юзага чиқади. Истеъдоднинг табиати исён эканини унутмайлик.

Дарвоқе, кеча ҳамкасбимни маъюс кўриб, сабабини сўрадим. У коллежни битирган қизи учун иш сўраб борган фирма бошлиғи: "Кечирасиз, бизга стилний кийинадиган қизлар керак" депти. Воажаб, бу қараш билан фирма бошлиғи нимага эришар экан? Демак, бошлиқ учун ишчининг ишидан кўра, ташқи кўриниши муҳимроқ. Бугунги ёш раҳбарларнинг барчаси шундай ўйлармикин ёки... Тавба, чумчуқнинг қарға бўлиб қағиллагани ёки бургутнинг булбул бўлиб сайраганини кўрганлар борми?

Тарихчи олимларнинг маълумот беришича, кунлардан бир кун Искандар Зулқарнайн босиб олган ерларининг бирида жуда хунук, бадбашара бир донишмандни учратиб қолиб: "Қандай хунук қиёфа, қўрқинчли ҳайкал?!" деб юборибди. Шунда донишманд Искандарга жавобан истеҳзоли кулиб: "Эй, музаффар шоҳ, кўринишимга қараб, ақл-фаросат ва инсофдан бехабар одам деб таъна қилма, билгилки, тана ғилоф бўлса, жон, ақл-идрок қиличдир. Ишни ғилоф эмас, балки жон, ақл-идрок бажаради", деган экан. Англашиладики, сийратгина инсон шахсининг моҳиятини, маънавияти билан руҳиятини билиш ва англашда бош мезондир. Фарзандларимизга ҳам бу ҳақиқатни сингдириб борсак, дўст танлашда, ўз ҳаёт йўлларини белгилашда адашмасликлари тайин.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

## Во ажаб

### МУЗ ВА ҚИЗИЛ ИКРАДАН ҲАЙКАЛ

Инсоннинг қўли гул. У ҳатто, қор ва муздан ҳам ҳақиқий санъат асарлари яратишга қодир. Тўғри, бундай ҳайкаллар "узоқ яшамасада", кўрган кўзни қувонтиради.

Украинанинг Вишенка қишлоғида муз ва қизил икрадан балиқнинг улкан арт-композициясини ясашди. Бундай икки хил нарсанинг ўзаро уйғун бирикмаси – инсталляцияни ясаш учун 150 килограмм муз ва 40 килограмм қизил икрадан фойдаланилди. Бу бахайбат муз-балиқ Украина рекордлар китобининг "Санъат. Ўлчам" бўлимидан жой олди.

Рекорд қайд этилгач эса, муз ҳайкални безаш учун ишлатилган икра тақдимот тадбири меҳмонларига аукцион савдосида сотилди. Бу тансиқ маҳсулот сотувидан тушган барча маблағ хайрия ишларига йўналтирилди. Хусусан, оилавий болалар уйларига тарқатилди.

### ПУЛНИНГ ҲИДИ БОРМИ?

Одамлар орасида: "Пулни ҳидидан сезаман", деган ибора юради. Бу қанчалик тўғрилигини билмадигу, лекин пулларга ҳам иштаҳани қўзғатадиган, димоққа ёқувчи ҳид бериш мумкин экан.

Америкалик дизайнерлар анчагина изланиб, пулларга хушбўй ис берувчи ҳамён яратдилар. Бундай хушбичим ҳамён бўлмаларига солинган танга ва қоғоз пулларга резина сақич таъмини эслатувчи ёқимли ҳид "ўтириб" қолади. Ўша сизга таниш резина сақичнинг қулупнай, лимон, апельсин, ялпиз, киви ва ҳоказо ҳидлар энди пулларингиздан анқиб туришини истасангиз, хушбўй таратувчи ҳамёндан сотиб олсангиз кифоя.

Бундай ҳамённинг нархи бор йўғи олти доллар экан.

## Оғир атлетика

# ШОҲСУПАДА ЎРНИ МУҚИМ

**Улкан имкониятлар юрти бўлмиш Ўзбекистонда бугун ёшларнинг эзгу мақсад ва орзуларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилган.**



Аслида инсон учун ўз юрти, ўз Ватани равнақи йўлида меҳнат қилишдан ортиқроқ бахт йўқ дунёда. Шундай бахт ва ютуқларга эришган, қалбида Ватанига бетакрор меҳр-муҳаббат ҳисси билан тарбия топган чинозлик Осиё чемпиони Улуғбек Алимов юртимизнинг умидли ёшларидан бири.

Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Улуғбек Алимов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланди.

Инсоннинг ҳар икки олами унинг юксак маънавияти орқали сайқал топади. Ўз олдига катта мақсадларни қўйган Улуғбек Алимов 13 ёшидан бошлаб спортнинг оғир атлетика тури билан шуғуллана бошлади. 5-умумтаълим мактабини тугатгач, Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида таҳсилни давом эттирди. Спортга бўлган кучли иштиёқ уни Чирчиқ Олимпиа захиралари коллежи сари етаклади.

2012 йилда Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Улуғбек фахрли 1-ўринни эгаллади. Абдумажид ота ва Гулнора аянинг қувончдан кўзлари намланди. 2013 йил Қозон шаҳрида ўтказилган универсиадада иштирок этган Улуғбек 2-ўринни олиб, кумуш медаль соҳиби бўлганида устози Александр Жверовнинг унга ишончи янада ортди. 2013 йили Вроцлав (Польша)даги Жаҳон чемпионатида оғир атлетика бўйича 17 мамлакатдан 20 дан зиёд спортчилар ўзаро рақобатлашди. 77 килограмм вазнли Улуғбек штангани силтаб кўтаришда 197 килограмм натижани қайд этиб, кумуш медалга, икки кураш бўйича эса, 355 килограмм кўрсаткич билан бронза медалга сазовор бўлди. Фахрли 3-ўрин соҳиби бўлган Улуғбекнинг ўша лаҳзаларда кўнглидан нималар кечгани билан қизиқдик.

– Ҳар сафар мусобақаларда юртимиз мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи кўтарилганда шу замин фарзанди эканимдан фахрланаман, – деди Улуғбек. – Давлатимиз раҳбарининг: "Спорт – спорт учун эмас, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидаги барча кишиларнинг тинчликсевар осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор", деган сўзлари доимо қулоғим остида жаранглайди.

Бугун юртимиз ёшлари Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Уларнинг жаҳон спорт майдонларида эришаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, соғлом ёшлар – эртамиз эгалари.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

## Бу – қизиқ

# ҚОҒОЗДАН САМОЛЁТ



Сан-франциsколик мактаб ўқувчиси беш йил мобайнида Боинг-777 самолётининг аниқ нусхасини қоғоздан ясади.

Бир куни юқори синф ўқувчиси Лука Иакони-Стюартга архитектура дарсида қоғоздан самолётнинг оддий моделини ясаш вазифаси берилди. Бу ғоя унга жуда ёқиб қолди ва янада каттароқ иш қилишга турткi берди. Бунда унга ёшлигидан самолётларга қизиқиши қўл келди. Лука ҳеч иккиланмай Боинг-777 нинг (1:60 масштабда) аниқ моделини ясашга қарор қилди ва ишга киришди. Шундай қилиб, у мактаб даврида бошлаган лойиҳасига жуда кўп қоғоз ва беш йиллик умрини сарфлади.

Лука ўз модели учун Air India компаниясининг 777-300 ER самолёти чизмаларини интернетдан топди ва уларни график шаклларини қоғозга ўтказди. Энг мураккаб жараён - қоғоздаги чизмаларни керакли жойларини бирма-бир буклаб, йиғиб чиқиш эди. Бунда у ўқув муассасасида олган билими ва техник адабиётларда ўқиган маълумотларидан фойдаланди. Натижа ёмон бўлмади: самолётнинг конструкциясини тўлиқ ишлаб чиқишга эришди. Лекин лойиҳа ҳали охирига етказилмаган. Лука уни ёзгача якунламоқчи ва янги ғоя асосида янада каттароқ самолёт моделини ясашга киришмоқчи.

## Жиноятга жазо муқаррар

# БАЛОДАН ҲАЗАР ЛОЗИМ

**Бугун ер юзида миллионлаб инсонлар гиёҳвандлик балосидан азият чекмоқда, яна қанча кишилар бу иллат оқибатида бевалигу етимлик қисматига дучор бўлмоқдалар. Афсуски, бу заҳри қотил оқибатларини кўрабила туриб ҳам аксарият иродасиз кимсалар тўғри хулоса чиқармаяптилар.**



Бекободлик Дилшод Ғоипов (исм-фамилияси ўзгартирилган) қирққа яқинлашган бўлишига қарамай ҳали-ҳамон ҳаётда ўз ўрнини тополмай, кўча хандон, уй зиндон қабилида яшаб келаётир. Чунки, у гиёҳвандлик балосига йўлиққан, бу йўлда бор-будидан айрилган. Бундай кимсаларнинг қилмишлари жамиятда гиёҳвандликнинг янада чуқур илдиз отишига, кўплаб одамларнинг шу иллатга чалинишига сабаб бўлаяпти.

Д. Ғоиповнинг қилмишлари ошкор бўлгач, Бекобод тумани ички ишлар идораси ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорликда тадбир ўтказиб, унинг уйини тинтув қилишганда, ўзи учун тайёрлаб қўйган героин моддаси топилди. Тиббиёт хулосасига кўра, унинг жиддий даволанишга муҳтожлиги аниқланди.



Жиноят ишлари бўйича Бекобод суди Д. Ғоипов билан боғлиқ мазкур ишни кўриб чиқди. Суд жараёнида жиноятчи барча қилмишларига иқрор бўлди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари муҳокама этилар экан, у илгари ҳам жавобгарликка тортилгани, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармагани бу гал янада қаттиқроқ жазо белгиланишига сабаб бўлди. Суд ҳукми билан унга 10 йил қамоқ жазоси тайинланди.

Ўйлаймизки, Д. Ғоипов бу сафар ақл-ҳушини йиғиштириб, кеч бўлсада, ҳаёт йўлини тўғри белгилаб олади.

**Бахтиёр КАМОЛОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,**
**1-даражали юрист.**

## Рассом хандаси



*– Нима бу – шаршарами ёки аждарнинг думими?..*

caricatura.ru




### ҒАЛАЁНЧИ ОТИБ ТАШЛАНДИ

**Исроил полицияси мамлакат турмаларидан бирида қамоқ муддатини ўтаётган 34 ёшли Америка фуқароси Самюэл Шейнбейн ғалаён кўтаргани учун отиб ташлагани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.**



Маҳбус турма қоровулларидан бирининг қуролини қўлга киритиб, яна уч хизматчига ўқ узди ва баррикада қуриб, яширинди. Махсус хизмат ходимлари воқеа жойига етиб келганларида жиноятчи уларга қарата ўт очди. Шу боис полициячилар уни отиб ташлашди.

Маълумотларга қараганда, полициячилардан ҳеч ким жабр кўрмади. Бироқ, Шейнбейн ярадор қилган икки нафар турма хизматчисининг аҳволи оғир дея баҳоланмоқда.

Самюэл Исроилда 24 йиллик қамоқ муддатини ўтаётган эди. У 1997 йилда АҚШнинг Мэриленд штатида қотиллик содир этгани учун қамалганди. Бунгача жиноят содир этгач, АҚШни тарк этиб, Исроилга қўчиб келганди. Сабаби, у шу мамлакат фуқароси эди. АҚШ жиноятчини экстрадиция қилишни бир неча бор талаб этди. Бироқ, Исроил мамлакат қонуни экстрадицияни тақиқлаши муносабати билан бу талабни рад қилди. Пировардида Шейнбейн воқеаси Исроил қонунчилигига ўзгартиш киритилишига сабаб бўлди. Яъни, мамлакат фуқароси ўз ватанига қайтарилса, содир этган жинояти учун жазо ўтайди.

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚАНЧАГА ТУШАДИ?

**Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳри полицияси мамлакатда футбол бўйича 2014 йилги Жаҳон чемпионатини ўтказишга қарши норозилик акциясида қатнашган ўнлаб намойишчиларни ҳибсга олди.**




ИТАР-ТАСС маҳаллий оммавий ахборот воситалари маълумотларига таяниб, камида 120 намойишчи қўлга олингани ҳақида хабар қилди. Аввалига намойиш осойишта кечди. Бироқ, одамлар баррикада қуришга ҳаракат қилишган пайтда полиция билан тўқнашув келиб чиқди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари махсус воситаларни, жумладан кўздан ёш оқизувчи мосламаларни ишга солишга мажбур бўлдилар.

Маълумки, Сан-Паулуда шу йил 12 июнь куни футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг биринчи учрашуви бўлиб ўтади. Умуман, Бразилия ҳукумати ушбу чемпионатни ўтказиш учун кам деганда 11 миллиард доллар сарфлади. Бундай катта миқдордаги сарф-харажатни истамаган халқ 2013 йилнинг ёзидан буён норозилик акцияларини уюштириб келмоқда. Ҳукумат эса, Жаҳон чемпионати катта фойда келтиришини таъкидламоқда.

### ЙИРИК НАРКОБАРОН ЯНА ҚАМОҚДА

**Associated Press агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Мексиканинг энг йирик "Синалоа" наркокартели раҳбари Хоакин Гусман 13 йиллик қидирувдан сўнг яна қўлга олиниб, турмага ташланди.**



Ушбу операцияни Мексика полицияси АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаол қўллаб-қувватлаши ёрдамида муваффақиятли амалга оширди. Гусман кутилмаганда тинч йўл билан, яъни битта ҳам ўқ узилмай ушланди. Чунки у Тинч уммонининг Мексика соҳилидаги меҳмонхоналардан бирида яшаб турган эди.

Хоакин Гусман 1990 йилдан буён "Синалоа" наркокартелига бошчилик қилиб келаётган эди. Маълумотларга қараганда, Америка ҳудудига келтирилаётган гиёҳвандлик моддаларининг учдан бир қисми айнан шу наркокартель улушига тўғри келади. 1993 йилда Гусман Мексикада 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Бироқ, 2001 йилда у турмадан қочишга муваффақ бўлди. Ўшандан буён қидирувда эди. АҚШ ҳукумати Гусманни қўлга олишга ёрдам берадиган ҳар қандай хабар учун 5 миллион доллар мукофот ваъда қилган эди.

### МУҲАММАД АЛИНИНГ ҚЎЛҚОПИ... АУКЦИОНДА

**Машҳур боксчи Муҳаммал Алининг ўз фаолияти давомида биринчи марта Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритганида фойдаланган қўлқопи кимошди савдосида 836,5 минг долларга сотилди.**




Кимошди савдоси арафасида ушбу қўлқоп кўпи билан ярим миллион долларга сотилса керак, дея тахмин қилинаётган эди. Бироқ, бу буюмга ишқибоз бўлган 11 киши ўртасида савдо қизигач, унинг нархи анча кўтарилиб кетди. Лекин, қўлқоп кимга насиб этганлиги ошкор қилинмади.

Муҳаммад Али ушбу қўлқопда 1964 йилда Майами шаҳрида рингга чиққанди. У пайтда боксчининг исм-шарифи Кассиус Клей эди. Ўшанда Сонни Листон билан бўладиган жанг олдидан кўплаб мутахассис ва экспертлар Листон ғалаба қозонишини башорат қилишганди. Бироқ, у еттинчи раунд бошланишида рингга чиқишдан бош тортди ва мағлуб деб топилди. Орадан бир йил ўтиб, яъни 1965 йилда реванш-матч ўтказилиб, бу гал ҳам Муҳаммад Али ғолиб бўлди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9273. Адади 18809. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.